



“ЎЗБЕКНЕФТГАЗ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ КОРХОНАЛАРИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТИНИНГ АМАЛДАГИ ҲОЛАТИ

Рахматуллаев Адҳамхон Ҳабибулло ўғли
Тошкент давлат техника университети

Аннотация. Мақола “Ўзбекнефтгаз” акциядорлик жамияти корхоналари иқтисодий фаолиятининг амалдаги ҳолатини таҳлил қилади. Ушбу таҳлилда “Ўзбекнефтгаз” жамияти корхоналарининг энергетика секторидаги роли, иқтисодий фаолиятининг амалдаги ҳолати, амалга ошириладиган йўналишлар ва чорак ишловчилари аниқланади.

Калит сўзлар: Ўзбекнефтгаз, энергетика сектори, иқтисодий фаолият, ривожланиш йўналишлар, энергетика саноати, таҳлил, ишловчилар, технологиялар.

ТЕКУЩЕЕ СОСТОЯНИЕ ХОЗЯЙСТВЕННОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЙ АО «УЗБЕКНЕФТЕГАЗ»

Рахматуллаев Адҳамхана Ҳабибулло угли
Ташкентского государственного технического университета

Аннотация. В статье анализируется современное состояние хозяйственной деятельности предприятий акционерного общества «Узбекнефтегаз». В данном анализе определяется роль предприятий компании «Узбекнефтегаз» в энергетическом секторе, текущее состояние экономической деятельности, направления реализации и сотрудники квартала.

Ключевые слова: Узбекнефтегаз, энергетика, экономическая деятельность, направления развития, энергетика, анализ, сотрудники, технологии.

CURRENT STATE OF ECONOMIC ACTIVITY OF THE ENTERPRISES OF "UZBEKNEFTGAZ" JOINT STOCK COMPANY

Rakhmatullaev Adhamkhan Habibullo ugli
Tashkent State Technical University

Abstract. The article analyzes the current state of the economic activity of the enterprises of the joint-stock company "Uzbekneftgaz". In this analysis, the role of the enterprises of "Uzbekneftgaz" company in the energy sector, the current state of economic activity, the directions to be implemented and the quarter employees are determined.

Key words: Uzbekneftgaz, energy sector, economic activity, development directions, energy industry, analysis, employees, technologies.

Кириш.

Жаҳонда иқтисодий жараёнларни рақамлаштирилган шароитида чекланган ресурслар қаторида нефть ва газ ўрин олмоқда. Нефть ва газ саноатининг маҳсулотларига бўлган талабнинг кескин ортиб бориши бир томондан мавжуд ресурсдан самарали фойдаланиш, иккинчи томондан эса ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини оширишда ресурслар билан таъминланганлигик даражасини назорат қилишни талаб этмоқда. “Маълумотларга кўра 2021 йилдаги пасайишдан сўнг, 2022 йилда дунёда тасдиқланган нефт захиралари 1,1% га ошди ва 1,564,441 трлн. баррелни ташкил этди.

Яқин Шарқ нефт захиралари бўйича дунё минтақалари орасида етакчи бўлиб қолмоқда, бу жаҳон захираларининг 55,7 фоизини ташкил этмоқда. 2022 йилда дунёда тасдиқланган газ захиралари ҳажми эса 2,4% га ўсди ва 2021 йилга нисбатан 210,063 трлн. м3га етди⁶⁹. Бунда стратегик муҳим технологик ва истиқболли лойиҳалар ва фойдали янгиликларни турли механизмлар асосида жорий этиш орқали етакчи ишлаб чиқариш тармоқларини модернизациялаш ва технологик янгилаш ҳисобига иқтисодиётнинг тараққиётига эришилмоқда.

Бугунги кунда жаҳон мамлакатларидаги нефтгаз саноати корхоналаридаги иқтисодий фаолиятни замонавий кўринишда ташкил этиш, ташкилий-иқтисодий ҳамда технологик тадбирлар таркибини кенгайтириш каби механизмларни такомиллаштириш юзасидан илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада технологик жараёнларни яшил рақамлашаётган иқтисодиётга мослаштириш, харажатларни ички ресурслар ҳисобига оптималлаштириш, унумдорликни инвестицион жараёнлардаги механизмларнинг такомиллашган улушини кўтариб бориш ҳисобига ошириш, юқори технологиялар соҳасида интеграцион жараёнларни чуқурлаштириш каби илмий изланишлар амалга оширилмоқда.

Янгиланаётган мамлакатимиз шароитида нефть ва газ саноатини халқаро талаблар асосида ривожлантириш, ишлаб чиқаришда инвестицион лойиҳаларнинг манбалари туриларини кенгайтириш, ишлаб чиқаришнинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини рақамли ва инновацион технологиялар асосида таъминлаш каби сифат кўрсаткичларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Иқтисодиёт тармоқлари ва аҳолига нефть-газ маҳсулотларини узлуксиз етказиб берилишини таъминлаш. Табиий газни қайта ишлаш даражасини 8 фоиздан 20 фоизга етказиш” [2] каби вазифалар бегиланган. Бу борада фаолият олиб боровчи субъектларни қўллаб-қувватлаш, яшил маҳсулотлар бозорини ривожлантириш ҳамда тармоқда уларни шакллантириш механизмининг такомиллаштириш, инновацион фаолиятга асосланган самарали механизмларни ишлаб чиқиш йўналишидаги изланишларга устувор даражада эътибор қаратилмоқда.

Адабиётлар шарҳи.

Lipscy & Vorotnikov, (2013) мақоласида нефтгаз саноати ва энергетика сиёсатини таҳлил қилади ва давлатлар орасидаги энергетика муносабатлари ҳақида аҳамиятли маълумот беради.

Pindyck & Rotembergning (1990) “The excess co-movement of commodity prices” мақоласи нефтгаз нархларининг коммодитет саноатлари билан алоқаси ва уларнинг уқубатлари бўйича анализ қилади.

Stern, (2013) нефтгаз саноатида газ санъатининг ривожлантирилиш йўналишлари ва жаҳонга кенг ўрилганлиги бўйича таҳлил қилади.

Ogus & Rennings, (2016) энергия сарфи ва CO2 эмиссияларини иқтисодий остириш ва жадал ривожланиш йўналишлари бўйича маълумот беради.

Mugnier, (2004) тадқиқотида Каспий денизи ҳавзасидаги оилава газ саноатининг ўзгариш кўрсаткичлари ва маҳсулот капацитетини баҳолаш бўйича таҳлиллар келтирилган.

Mehraga & Najafi, (2010) илмий мақоласида ОПЕК давлатлари орасида нефт нархлари ва айрим молиявий кўрсаткичлар орасида урганиш бўйича таҳлиллар олиб борилган.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида табиий газ қазиб олиш ҳажми 66 млрд. куб метрдан оширишни ташкил этиши режалаштирилган. Ўз навбатида истеъмол ҳажми 56,5 млрд. куб метрга етиши прогноз қилинган. Бу эса ички истеъмолчилар талабини қондириш ва табиий газни чуқур қайта ишлаш йўналишларини янада ривожлантириш йўналишини кенгайтиришга замин яратиши кераклигини англатади. Ушбу мақсадларга эришиш учун нефт ва табиий газни чуқур қайта ишлаш ҳамда унинг самарадорлигини ошириш, рақамлашаётган бозор муносабатларига ўтказиш мақсадида тармоқни тубдан ислоҳ қилиш жараёнларини мувофиқлаштириш бўйича кенг кўламли лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилиши талаб этилмоқда. Мамлакатимизда нефть ва газ маҳсулотларини қайта ишлашни кенгайтириш бўйича жорий этилган лойиҳалар Ўзбекистон нефть-газ тармоғи олдига қўйилган вазифани амалга оширишга хизмат қилади.

⁶⁹ <https://neftegaz.ru/news/dobycha/786918-opec-asb-v-2022-g-v-mire-zafiksirovan-rost-obema-zapasov-nefti-i-gaza/>

1-жадвал

Нефт ва газ конденсати қазиб чиқариш (млн.тонна)⁷⁰

Номи	2000	2005	2010	2015	2020	2021	2022	2022/ 2000%	2022/ 2010%	2022/ 2021%
Жами	7,54	5,45	4,04	2,73	2,78	2,87	2,07	27,5	51,4	72,3
Нефт	4,17	3,44	2,02	1,00	0,75	0,77	0,79	18,9	39,0	102,7
Газ конденсати	3,37	2,01	2,02	1,73	2,03	2,10	1,29	38,2	63,7	61,3

2022 йилда Ўзбекистонда жами 790 минг тонна нефт конденсати қазиб чиқарилган бўлиб, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан қарийб 4,5 баробарга ва 2010 йилга нисбатан қарийб 2,5 баробарга кам ҳисобланади. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, 2022 йилдаги нефт конденсатини қазиб чиқариш бўйича кўрсаткичлар 2018-2021 йилларда кўрсаткичга нисбатан ўсганини кўриш мумкин. Бунинг асосий сабаби тармоқдаги янги хусусий корхоналарнинг пайдо бўлаётганлиги билан ифодаланади.

Газ конденсати қазиб чиқариш 2022 йилда сезиларли даражада оқсаганлигини сезиш мумкин. Хусусан 2022 йилда 1,29 млн. тонна газ конденсати қазиб чиқарилган бўлиб, 2000 йилга нисбатан 2,5 баробарга, 2010 йилга нисбатан 46,3 %га камайган. Шуни таъкидлаш лозимки, 2021 йилдаги 2,1 млн. тонна нисбатан 48,7%га пастлаган. Ушбу натижаларнинг салбий оқибатлари қиш мавсумида ҳам сезиларли даражада бўлганлигини айтиш зарур. Таркибий ўзгаришларнинг тўлиқ тугатилмаганлиги ва тармоқдаги фойдаланилаётган техника ва технологияларнинг етарли даражада янгиланмаганлиги сабабли кўрсаткичларнинг пастлаганини изоҳлаш мумкин.

2-жадвал

“Ўзбекнефтгаз” АЖ фаолиятининг SWOT таҳлили⁷¹

	Ижобий таъсир	Салбий таъсир
Ички муҳит	<p>Кучлар (қадр-қиммат)</p> <ol style="list-style-type: none"> Жамият бозорда устун мавқега эга. Бу ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш учун доимий бозорни таъминлайди; Корхона маҳсулотларига барқарор талабни таъминловчи иқтисодиётнинг асосий тармоғи; Аниқланган табиий газ захираларининг сезиларли миқдори; Диверсификацияланган ишлаб чиқариш; Мамлакатнинг энг йирик солиқ тўловчиларидан бири; Мамлакатдаги энг йирик иш берувчилардан бири; Шаффоф бошқарув тизими; Замонавий ривожланиш усуллари билан фойдаланиш; Лукойл, Газпром, Бритиш Петролеум, Татнефт, Эпсилон, СОСАР ва бошқалар каби муваффақиятли халқаро нефт ва газ компаниялари билан стратегик ҳамкорлик. 	<p>Заифлик</p> <ol style="list-style-type: none"> Энг йирик конларнинг 60-80% га камайиши; Захираларнинг ўсиш суръатларининг етарли эмаслиги; Нефт ва газ конларининг катта тарқалиши; Суюқ углеводородларни ишлаб чиқариш ҳажмлари қайта ишлаш қувватларидан тўлиқ фойдаланишни таъминламайди.
Ташқи муҳит	<p>Имкониятлар (имкониятлар)</p> <ol style="list-style-type: none"> 2024 йилгача қутилаётган ИПО Корпоратив кредит рейтингини олиш ва хорижий қарз маблағларини жалб қилиш. Қулай макроиқтисодий муҳит; Чуқур қайта ишлаш маҳсулотларини ишлаб чиқаришга йўналтириш; Жаҳон бозорларига чиқиш. 	<p>Таҳдидлар</p> <ol style="list-style-type: none"> Муқобил энергия ва ёқилғи манбаларини ривожлантириш; Ички бозорнинг турғунлиги (мамлакат макроиқтисодий аҳволининг ёмонлашиши); Юқори солиқ юки; Рақобатни кучайтириш.

⁷⁰ Ўзбекистон Республикаси Статистика агентлиги маълумотлари

⁷¹ Муаллиф ишланмаси

Бугунги кунда нефт ва газ саноатида жаҳон етакчилари – “Лукойл”, “Газпром”, “БП”, “Total” компаниялари, шунингдек, Корея, Хитой ва бошқалар каби мамлакатлар компаниялари билан фаол ҳамкорлик мавжуд.

Ўзбекистонда углеводородларни қайта ишлаш. Компаниянинг бозордаги ўрнини аниқлаш, шунингдек, мавжуд таҳдидларни аниқлаш учун SWOT таҳлили ўтказилди.

Таҳлил натижалари шуни кўрсатадики, нефт ва газ саноати республика иқтисодиётида асосий тармоқлардан бири бўлиб, Компания энергия бозорида етакчи ўринни эгаллайди.

Таҳлил жараёнида Компанияда йўл қўйилган камчиликлар аниқланди. Компаниянинг йирик конлари нисбатан юқори даражада камайиши (60-80%) билан тавсифланади. Бу углеводород қазиб олиш ўсиш суръатининг секинлашишига, шунингдек, қазиб олинмаган хом ашёнинг таркибий таркибининг ёмонлашишига таъсир қилади.

2010-2020 йиллар давомида мамлакатимиз, нефть-газ саноатида чуқур таркибий ислохотларни амалга ошириш натижасида инвестицион лойиҳаларни ишга туширишдаги фаолликни юқори суръатларда таъминлаш имконини берди. 2010 йилда мамлакатимиз иқтисодиётига жалб этилган инвестицияларнинг умумий қиймати 2,8 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. 2011-2017 йилларда республика иқтисодиётига жалб қилинган жами инвестициялар таркибида нефть-газ тармоғига йўналтирилган инвестицияларнинг улуши ўртача 80 фоиз атрофидаги кўрсаткичга тенг бўлган. 2018-2019 йилларда бу кўрсаткич, ўртача 40 фоизни ташкил этганини кўриш мумкин (Umurzoqov, 2020).

3-жадвал

“Ўзбекнефтогаз” АЖнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган инвестицион лойиҳалар рўйхати⁷²

№	Лойиҳа номи	Импорт хажми (млн. долл.)	Қўлланиш доираси	Амалга ошириш муддати
1	Шуртан газ кимё комплексининг ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш инвестицион лойиҳаси	122	100 дан ортиқ маҳсулотлар учун базавий хомашё сифатида ишлатилади	2022 й.
2	“Шуртан газ-кимё комплексининг тозаланган метан негизида синтетик суюқ ёкилги ишлаб чиқариш” инвестиция лойиҳаси	1 000	Нефтьгазкимё саноати	2021 й.
3	УГКМ ва ШГКМ нинг пиролиз дистиллятларини ароматик углеводородларни ажралиб чиқиши (БТК) билан қайта ишлаш	-	Лак-буёк, кимё саноатлари	2022-2025 йй.
4	GTL парафинларидан чизикли алкилбензоллар (ЛАБ) ишлаб чиқариш	8,44	Синтетик ювиш воситалари	2022-2025 йй.
5	GTL окимларидан альфаолефинлар (бутен, гексен) ишлаб чиқариш	Бутен-1 - 4,50 Н-Гексан - 4,00	Нефтьгазкимё саноати	2022-2025 йй.
6	Метан ва нордон газлардан оксил ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	140,00	Озик-овқат ва кишлоқ хужалиги саноатлари	-
7	Пенополипропилен ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	4,20	Автомобилсозлик саноати	-
8	Метандан синтетик олмос ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	импорт қилинмаган	Абразив материаллар, заргарлик, ишлов бериш саноати	
9	Полимер композит материалларни ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	1,36	Автомобилсозлик саноати	2020-2021 йй.
10	УГКМ эҳтиёжлари учун “Wash Oil” ювиш мойини ишлаб чиқаришни ташкил қилиш	5,30	Газ-кимё саноати	2021-2024 йй.

⁷² www.ung.uz- Ўзбекнефтогаз АЖ расмий ахборот сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди

Ушбу ҳолатни, асосий сабаби, жаҳон бозорида нефть ва газ маҳсулотларига нисбатан талабнинг дастлабки йилларда ўсиш суръатларда бўлиши ва сўнгги йилларда “яшил иқтисодиёт” тенденциясига ўзгаришидир. Мамлакатимиз нефть-газ тармоғида модификациялашга асосланган янги технологик янгиликларни ўзлаштириш жараёнининг кучайгани билан изоҳлаш мумкин бўлади. Дунё энергетика ҳамжамиятининг 2020 йилдаги ҳулосасига кўра, бугунги кунда нефть-газ тармоғидаги корхоналарда етиштириладиган табиий газ истеъмоли етакчи бўлиб турибди, 2021 йилгача бўлган давр оралиғида табиий газ истеъмоли ортиши ҳисобига 400 миллиард куб метрни ташкил этиб, ҳар йили ўртача 2,4 триллион куб метр табиий газ ишлаб чиқарилмоқда. 2030 йилга бориб, газнинг дунё нефть-газ тармоғидаги улуши 2 баробарга ортиши кутилмоқда. Шу сабабли, Шўртан газ-кимё мажмуаси ва Муборак газни қайта ишлаш заводлари фаолиятини босқичма-босқич модернизация қилиниши ва уларнинг таркибидаги корхоналарнинг диверсификацияси мақсадга мувофиқдек кўринмоқда.

Шунингдек, республикамиздаги 250 дан ортиқ нефть ва газ конларида экологик тоза ёнилғи — суюлтирилган газ ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Бу ўз навбатида бошқа конлардан етказиладиган, таркибида олтингугурт бирикмалари юқори бўлган табиий газни қайта ишлаш ҳажмини жадал суръатларда ошириш имконини беради. Тармоқнинг келажакдаги инвестицион лойиҳаларнинг фаоллигини таъминлашига ижобий туртки бера олади. “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг 2020-2030 йилларда нефть-газ ва кимё саноати корхоналарини ривожлантириш, шунингдек маҳаллийлаштирилган маҳсулот ишлаб чиқарилишини таъминлаш бўйича инвестицион лойиҳаларда тармоқни янги даражага олиб чиқиш бўйича чора-тадбирлар ўзининг мажмуавий ифодасида намоён бўлади.

Хулоса ва таклифлар

1. Нефть-газ саноатининг ривожланишига тўсқинлик қилувчи сабаблар қаторига қуйидагилар ҳам кириди:

- иқтисодиётдаги таркибий номутаносибликлар;
- республикада ёқилғи ва хом ашё фойдасига қайта ишлашовчи корхоналарнинг зарарига фаолият юритувчи тармоқлар;
- паст самарадорликка эга хусусий мулкчилик шаклидаги саноат корхоналари;
- корхоналарнинг паст инновацион фаоллиги;
- ўз айланма маблағидаги камчиликлар ва кредит олишдаги шартлар;
- малакали ишчилар, муҳандислар ва технологлар етишмаслиги.

2. Ҳозирги иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида саноат корхоналари фаолиятининг асосий йўналишлари муҳим аҳамият касб этади. Саноат корхоналари фаолиятининг асосий йўналишларига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- бозорни ва унинг ривожланиш истиқболларини ўрганиш асосида истеъмолчиларнинг маҳсулот турларига бўлган талабларини атрофлича таҳлил қилиш;
- саноат корхонасида халқ учун зарур бўлган янги маҳсулот турларини яратиш ва таклиф қилиш;
- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик фаолиятини ташкил этиш;
- фаолиятни режалаштириш, дастурлаш, мувофиқлаштириш ва молиялаштириш;
- саноат корхонасида янги турдаги фаолиятни ташкил этиш;
- маҳсулот турларини тақсимлаш ва сотиш тизимини такомиллаштириш.

3. 2030 йилга бориб табиий газ истеъмолини 56,5 миллиард куб метрга етказиш прогнозини ҳисобга олган ҳолда, ортиб бораётган талабни қондириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлигининг асосий вазифаси ҳисобланади. 2022 йилда Ўзбекистонда жами 790 минг тонна нефть конденсати қазиб чиқарилган бўлиб, бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан қарийб 4,5 баробарга ва 2010 йилга нисбатан қарийб 2,5 баробарга кам ҳисобланади. Лекин шуни таъкидлаш лозимки, 2022 йилдаги нефть конденсатини қазиб чиқариш бўйича кўрсаткичлар 2018-2021 йилларда кўрсаткичга нисбатан ўсганини кўриш мумкин. Бунинг асосий сабаби тармоқдаги янги хусусий корхоналарнинг пайдо бўлаётганлиги билан ифодаланади.

4. 2030 йилга келиб нефть ва газ саноати қуйидаги стратегик мақсадларга эришишни кутмоқда:

- илғор технологияларга эга бўлган халқаро нефт-газ компанияларининг кенг доирасини жалб қилган ҳолда углеводород хомашёсини ишлаб чиқаришни ички бозор эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун зарур даражада таъминлаш;
- дунёнинг етакчи рейтинг агентликларидан (S&P, Moody's ва Fitch) халқаро рейтинг олиш;
- тармоқ корхоналари томонидан Катта тўртлик вакиллари томонидан текширилган компанияларнинг молиявий ҳисоботларини мунтазам ва ўз вақтида нашр этиш;
- нефт ресурсларини бошқариш халқаро тизими (PRMS) стандартлари бўйича углеводород захираларини ҳисоблаш ва аудитини ўтказиш;
- соҳа корхоналари томонидан молиялаштиришни, шу жумладан қарз капитали бозорларини (еврооблигациялар чиқариш), ХМИ кредитлари ва бошқаларни жалб қилиш учун турли молиявий воситалардан фойдаланиш (уларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш) сиёсатини олиб бориш.

5. Лойиҳаларда давлат иштирокининг улушини ажратиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда “Ўзбекнефтгаз” АЖ даражасида инвестицион фаолият самарадорлигини аниқ назорат қилиш ва мониторинг қилиш тизимини яратиш инвестиция дастурининг асосий вазифалари бажарилишини таъминлайди, шу билан бирга:

- “Ўзбекнефтгаз” АЖнинг инвестиция дастурига киритиш учун тақдим этилган инвестицион лойиҳаларнинг ҳисобланган самарасини таъминлаш;
- лойиҳани амалга оширишдан кутилган самарани ўз вақтида ва тўлиқ олиш;
- барча даражадаги бюджетларда режалаштирилган кўрсаткичларни ўз вақтида ва тўлиқ тузатиш.

Адабиётлар/Литература/Reference:

- Lipsy, P. Y., & Vorotnikov, V. (2013). *Energy politics: Domestic and international politics. Annual Review of Political Science*, 16, 259-279.
- Mehrara, M., & Najafi, B. (2010). *The relationship between oil prices and exchange rates: The case of OPEC. Energy Economics*, 32(6), 1427-1432.
- Mugnier, C. (2004). *Assessing the production capacity of the oil and gas industry in the transition countries of the Caspian Sea basin. Energy Policy*, 32(11), 1295-1312.
- Ogus, A., & Rennings, K. (2016). *A new approach to identifying the link between energy consumption, CO2 emissions, and economic growth. Energy Procedia*, 97, 289-296.
- Pindyck, R. S., & Rotemberg, J. J. (1990). *The excess co-movement of commodity prices. The Economic Journal*, 100(403), 1173-1189.
- Stern, J. E. (2013). *The dynamics of global natural gas markets: Lessons from the liquefied natural gas sector. Energy Policy*, 60, 38-49.
- Umurzoqov, J. (2020) “Investment activity to implement structural changes in the oil and gas industry role in supply,” *International Finance and Accounting: Vol. 2020 : Iss. 5 , Article 19. Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2020/iss5/19>*